



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
келажаги
буюк
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

E-mail: info@xs.uz

2008 йил 16 декабрь, № 242 (4652)

Сешанба

ЗАМОНАВИЙ КОРХОНАЛАР — ТАРАҚҚИЁТ ГАРОВИ



Мамлакатимизда Президентимиз бошчилигида изчил амалга оширилган иқтисодий ислохотлар натижасида барча тармоқларида, жумладан, саноатда ҳам ўз самарасини бермоқда. Ҳар бир ҳудудда ўнлаб замонавий ишлаб чиқариш корхоналарининг ташкил этилаётгани махсулот турини кўпайтириш, экспорт ҳажмининг ошириш, энг муҳими, аҳоли фаровонлигини юксалтиришга хизмат қилаётган.

Конституциямиз қабул қилинганининг 16 йиллигини Марҳамат тумани аҳолиси ўзинга хос тўхта билан қарши олди. Шу ҳудудда кўнрақ саноат корхонаси — «Марҳамат ип-йигирув тўқув» очик акциядорлик жамияти ишга туширилди.

Эътироф

Шу ўринда айтиб ўтиш жоизки, жамият ташкил этилмасдан аввал бу ерда қарийб ўттиз йил олдин асос солинган собик ип-йигирув фабрикаси фаолият кўрсатарди. Бироқ вақт ўтиши билан ана шу фабрикадаги усуну ва жиҳозлар эскириб, унинг ишлаб чиқариш жараёни бугунги кун талабларига жавоб бермай қолганди. Давлатимиз раҳбарининг 2006 йил 13 ноябрдаги «2006-2008 йилларда тўқимачилик саноати корхоналарини модернизация қилиш ва техникавий қайта жиҳозлаш дастури тўғрисида» Қи қароридан сўнг бу ерда акциядорлик жамияти шаклида янги корхона барпо этилди.

Жамият раиси Н.Комиловнинг таъкидлашича, корхонага «Ўзмиллибанк» томонидан 2 миллион АҚШ доллари миқдоридан кредит ажратилди. Бундан ташқари, 1,5 миллион АҚШ долларлик маблағ акциядорлик жамияти томонидан йўналтирилди. Натигада корхона тўлиқ замонавий усунулар ва технологиялар билан жиҳозланди. Ҳозирда бу ерда йилга 2,5 минг тонна калава ип ишлаб чиқариш имконияти мавжуд бўлиб, тайёрланган махсулотнинг 80 фоизини экспорт қилиш мўлжалланмоқда. Муҳими, корхонанинг фаолият кўрсатиши билан 300 та янги иш ўрни вужудга келди.

СУРАТДА: корхона ишчиси Раъноҳон Маннонова.

Х. АРАББОВЕВ олган сурат.

«British-American Tobacco» компаниясининг бош қароргоҳида Британия-Ўзбекистон жамияти фаолларининг кенгайтирилган мажлиси бўлиб ўтди. Учрашув юртимиз Конституцияси қабул қилинганининг 16 йиллигига бағишланди.

ЛОНДОНДА ЎЗБЕКISTON КОНСТИТУЦИЯСИНИНГ 16 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН ТАҚДИМОТ

Иштирокчиларга мамлакатимиз мустақил тараққиёти ва муваффақиятларининг асоси бўлган Асосий Қонунимиз тўғрисидаги батафсил маълумотлар ҳавола этилди. Таъкидландики, конституцион қурилишнинг илғор ғоялари, демократик тамойиллар, Ўзбек давлатчилигининг тарихий тахрибасини ўзида мужассамлаштирган Асосий Қонунимиз Ўзбекистон Республикаси Президентини Ислам Каримов раҳбарлигидаги махсус комиссиянинг машаққатли меҳнати самарасидир. Халқаро-ҳуқуқий тамойиллар, фуқароларнинг фаровон ҳаёти, миллиятлараро

давр мобайнида икки мамлакат ўртасидаги маданий-иқтисодий алоқаларнинг ривожланишига муносиб ҳисса қўшиб келаётган Британия-Ўзбекистон жамияти муҳим аҳамият касб этади. Учрашувда сўзга чиққан Британия-Ўзбекистон жамияти раиси, Савдо ва саноат бўйича Британия-Ўзбекистон кенгашининг ҳамраиси Хартли Бут ҳалқимизни Конституция қуни билан табриқлади ҳамда мамлакатимиз мустақиллик йилларида эришган ютуқларни алоҳида таъкидлаб ўтди. Унинг айтишича, «Ўзбекистон Конституцияси мамлакатнинг тадрижий ривожланиши, инсон ҳуқуқ ва эртинчилик-тотувлик ғояларининг устуворлиги ўз ифодасини топган Ўзбекистон Конституцияси халқро ташкилотлар ва ривожланган хорижий давлатлар томонидан юқори баҳоланди.

Биз ва дунё

Шунингдек, тадбир қатнашчилари эътибори мамлакатимиз 2008 йилда сиёсий ва иқтисодий-иқтисодий ривожланишнинг сифат жиҳатдан янги босқичга кўтарилганига ҳам қаратилди. Хусусан, инсон ҳуқуқлари ва демократлаштириш масалалари борасида ташланган қадамлар — ўлим ҳазосини бекор қилиш тўғрисидаги қонуннинг қучга кириши, «Хабас корпус» институтининг жорий этилиши, Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганининг 60 йиллигига бағишланган Тадбирлар дастурининг белгиланганлиги алоҳида таъкидланди. Мамлакатда макрокотисодий барқарорлик таъминлаиб, ЯИМ ҳажмининг изчил ўсишига эришилди — бу кўрсаткич жорий йилнинг ўтган 9 ойи давомида 9,4 фоизни ташкил этди.

Ўзбекистоннинг барча йўналишлардаги барқарор ривожланиши Британия билан турли соҳалардаги ҳамкорликни чуқурлаштириш учун замин яратиб берган таъкидланди. Бунда 2001 йилда тузилган ва ўтган

бу ҳусусда гапириб, Х.Бут Савдо ва саноат бўйича Британия-Ўзбекистон кенгашининг XV йилги ишларида иштирок этиш учун (жорий йилнинг 26-28 ноябрь кунлари) Ўзбекистонда бўлган Британия иқтисодий делегацияси таширигининг ижобий натижаларини қайд этди. «Ташрифимиз самарали кечди, — деди у. — Кенгаш йилги ишларининг муваффақиятли ўтиши билан бир қаторда, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестиция ва савдо вазирига ва бошқа давлат идоралари раҳбарлари билан учрашувлар ўтказдик. Уларда мамлакатларимиз ўртасидаги савдо ва сармоياجвий ҳамкорликни ривожлантиришга бўлган ўзаро қизиқтиш ортиб бораётгани намойён бўлди».

(Давоми 2-бетда).

ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНИШ ЙЎЛИДА

Мамлакатимиз раҳбарининг Навоий вилоятида эркин индустриал-иқтисодий зона ташкил этилиши ҳақидаги фармони кенг жамоатчилик томонидан мамнуният билан эътироф этилди. Мутахассислар ушбу ҳуқуқий ҳужжатни Ўзбекистоннинг ижтимоий-иқтисодий тараққиёт йўлида кўйилган яна бир муҳим қадами дея баҳоламоқдалар.

Давлатимиз раҳбари Ислам Каримов Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 16 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида «Ўзбекистон ўзининг ишончли ва тўлов қобилиятига эга ҳамкор эканини, мамлакатимизда чет эл сармоясини жалб этиш бўйича ҳар томонлама қулай шарт-шароитлар яратилганини амалда исботламоқда. Сўнгги икки йил давомида ўзлаштирилган чет эл инвестициялари ҳажми 2,5 барбардан кўпроқ ошганининг ўзи ҳам бунни тасдиқлаб турибди» дея алоҳида таъкидлади.

Дарҳақиқат, бугун республикамизда модернизация қилинган, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозланган завод ва фабрикаларда, янгидан бунёд этилган замонавий қўшма корхоналарда хариддорлар, рақобатдорлар, яъни экспортбоп махсулотлар ишлаб чиқарилаётгани аслида инвестициялар шарофати эканлиги ҳеч кимга сир эмас. Шу маънода, Президентимизнинг жорий

йил 2 декабрда қабул қилинган «Навоий вилоятида эркин индустриал-иқтисодий зона ташкил этиш тўғрисида»-ги Фармони муҳим аҳамиятга эга. Сабаби, ушбу ҳужжатда жаҳон стандартларига жавоб берадиган ва жаҳон бозорларида талаб қилинадиган махсулот ишлаб чиқаришни таъминлайдиган, замонавий юқори технологияли ишлаб чиқаришларни ташкил этиш учун

хорижий инвестицияларни, биринчи гада, тўғридан-тўғри инвестициялар шундан далолат беради.

Фармон ва ижро

ни жалб этиш бўйича қулай шарт-шароитлар яратиш, шунингдек, Навоий вилоятининг саноат салоҳиятини, ишлаб чиқариш, транспорт-транзит ва ижтимоий инфратузилмасини ривожлантириш

ривожлантириш кўзда тутилган. Табиий савол туғилади: эркин индустриал-иқтисодий зонани ташкил этиш учун нега айнан Навоий вилояти танланди? Гап шундаки, Навоий — саноат соҳасида улкан салоҳиятга эга вилоят. Бу ерда 20 дан зиёд йирик саноат корхоналари фаолият юритаётгани шундан далолат беради. Президентимиз халқ депутатлари Навоий вилояти Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясидаги нутқида қайд этганидек, бугунги кунда мана шундай корхоналарда ишлаб чиқарилаётган махсулотлар жаҳоннинг 54 давлатига экспорт қилинганнинг ўзи ҳам кўп нарсани аналтади. Бундан ташқари,

Юртбошимиз раҳнамолиги ва ташаббуси билан кейинги йилларда Навоий шаҳри аэропортида реконструкция ва модернизация ишлари рўёбга чиқарилди. Натигада халқаро андозаларга мос 4 километрдан кўпроқ учуш-қўниш йўлига қуриб битказилди. Замонавий бошқариш тизими бунёд этилди. Мураккаб об-ҳаво шароитида ҳам турли даражадаги оғирликдаги ҳаво кемаларини қабул қилиш ва учирishi имкониятлари яратилди. Буларнинг бари халқро қатновни амалга оширадиган замонавий самолётларга юқори сифатли техник ва сервис хизмати кўрсатиш имконини беради.

(Давоми 2-бетда).

МАМЛАКАТ БЎЙЛАБ

Воқеалар, янгиликлар, хабарлар

Самарқандда Ёшлар йили ҳонадонлик иккита кўп қаватли уй фойдаланишга топширилди.

Олтмиш тўрт оила қувончи

Ушбу ҳонадонларга 64 та ёш оила кўчиб ўтди. Яшаш учун барча шарт-шароит муҳайё этилган мажбурий уйлар вилоятдаги «Камила» ва «Сампрестиж-строй» масъулияти чекланган жамиятлари бунёдкорлари томонидан қисқа муддатда қуриб битказилди.

Абдурашул САТТОРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Кунига 200 тонна ун

«Жиззахдонмаҳсулотлари» корхонасини замонавий техника ва технологиялар билан таъминлаш мақсадида республика «Уздонмаҳсулот» компанияси томонидан 1 миллиард 85 миллион сўмлик сармоя йўналтирилганди. Туркиялик ишбилармонлар билан ҳамкорликда корхона қисқа фурсатда тўлиқ қайта жиҳозланди. Янги ишга туширилган тегиримонда кунига 200 тонна сифатли ун ишлаб чиқариламоқда.

Бахриддин САТТОРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Пешку туманидаги Сўфилар, Аллод, Дехдароз қишлоқлари аҳолиси тоза ичимлик суви билан таъминланди.

Сув таъминоти яхшиланмоқда

Афсона қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудуддаги маҳаллаларга қарийб 2,5 километр узунликда сув қувурлари тортилган, сув таъминоти яхшиланди. Аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш вилоят дастурига мувофиқ, яна икки қишлоқ — Қодравон ва Янги ҳаёт аҳолиси ҳам шундай қулайликка эга бўлади.

Истам ИБРОҲИМОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

ТОШКЕНТНИНГ БЕҒУБОР ҚУВОНЧЛАРИ

Ўзбекистон Тасвирий санъат галереясида «Тошкент қувончлари» иккинчи халқаро Тошкент болалар расмлари биеннаlesi очилди. «Ёшлар йили» Давлат дастури доирасидаги ушбу тадбир Ўзбекистон Бадий академияси томонидан Тошкент шаҳар ҳокимлиги, Маданият ва спорт ишлари, Олий ва ўрта махсус таълим, Халқ таълими, Ташқи ишлар вазириликлари ва бир қатор ташкилотлар ҳамкорлигида ташкил этилди.

Тадбирнинг очилишида Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида юртимизда ёш авлодни юксак маънавиятга, соғлом ва теран тафаккур, чуқур билим ва тарбия соҳиб этиб тарбиялаш борасида барча зарур шароит ва имкониятлар яратилгани таъкидланди. «Таълим тўғрисида»ги Қонун, Қадрлар тайёрлаш миллий дастури, 2004-2009 йилларда Мақтаб таълимини ривожлантириш Давлат умумийлиги дастури таълим тизимига туб ижобий ўзгаришларни амалга ошириш, жаҳон андозалари даражасидаги билим масханалари, болалар бадий ижодиёти марказлари, спорт-соғломлаштириш мажмуаларини барпо этиш,

маърифий-тарбиявий жараёнга илғор педагогик технологияларни кенг жорий этишда муҳим дастуриямал бўлмоқда. Айни пайтда навқирон авлоднинг бадий-эстетик дунёқарашини бойитиш, иқтидорли ўғил-қизларни ҳар томонлама рағбатлантириш бу бордаги эзгу ишларнинг узвий қисминдир. «Ёшлар йили» Давлат дастури доирасида мусиқа, расомлик, санъат ва маданият соҳаларида кўплаб ижодий кўрик-танловлар, фестиваллар, бадий кўргазмалар ўтказилаётгани болаларнинг ижодий қобилиятини ривожлантиришга хизмат қилаётган.

(Давоми 2-бетда).



БИР
РАҚАМ
ШАРҲИ

Банк кредитлари ҳажми ошмоқда

2008 йилнинг тўққиз ойи мобайнида мамлакатимизда инвестиция лойиҳаларига ажратилган банк кредитлари ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан

81,8 фоиз кўпайди.

Ана шу маблағларнинг асосий қисми ишлаб чиқаришни бунёд этишга, корхоналарни модернизация қилишга йўналтирилгани натижасида кўплаб иншоотлар қурилишининг ўсиши таъминланди.



Самарқанд шаҳрида ёшлар ўртасида ҳар йили анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган «Маҳаллам тарихини ўрганаман» кўрик-танловининг минтақавий босқичи бўлиб ўтди.

МАҲАЛЛА — ҚАДРИЯТЛАР БЕШИГИ

Унда Самарқанд, Қашқадарё, Сурхондарё ва Жиззах вилоятларида ғолибликни эгаллаган маҳалла ёшлари иштирок этди.

Ўзбекистон оқсоқоллар Кенгаши ва «Маҳалла» жамғармаси, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати марказий кенгаши ҳамда Халқ таълими вазириликнинг ҳамкорлигида ташкил этилган мажбурий уйлар вилоятдаги «Камила» ва «Сампрестиж-строй» масъулияти чекланган жамиятлари бунёдкорлари томонидан қисқа муддатда қуриб битказилди.

Самарқанд шаҳридаги Даҳбедий маҳалласининг «Улуғбек юлдузлари» жамоаси биринчи ўринга лойиқ кўрилди. Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятлари вакилларига кейинги ўринлар насиб этди.

Ғолиб ва совриндорлар фахрий ёрлик ва эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Ғ. ҲАСАНОВ, ЎзА мухбири.

ЖАҲОН 24 соат ичида

Сувга гарқ бўлди

Филиппиннинг шимоли-шарқда юзга яқин йўловчини олиб кетаётган паром чўкиб кетди, дея хабар беради «Associated Press» ахборот агентлиги.



Манбада келтирилишича, бахтсиз ҳодиса сабабли 22 киши ҳаётдан кўз юмган, 34 кишининг тақдирини эса номаълум. Воқеа жойида кўтарув ишлари олиб борган гуруҳ 43 нафар йўловчининг ҳаётини сақлаб қолган муваффақ бўлган.

Кўзатувчиларнинг фикрига кўра, Филиппинда паромлар билан боғлиқ ҳалокатлар кўп кузатилади. Ана шундай кўнгилсизликлардан энг йириги 1987 йилда содир бўлган ва ушанда тўрт мингга яқин киши нобуд бўлган.

Матбуот анжуманида фалати ҳолат

Ироқнинг Бағдод шаҳрида АҚШ президенти Жорж Буш иштирокида ўтказилаётган матбуот анжумани вақтида фалати ҳолат содир бўлди.

«АФ» ахборот агентлиги хабарига қараганда, анжуман пайтида журналистлардан бири Бушга қарата пойабзални уққитган. Оёқ кийимининг бир пойи АҚШ раҳбарига етиб бормаган, иккинчисига эса президент чап берилди.

Жорж Буш ушбу ҳолатта муносабат билдираркан, зигирча ҳам хавотирланмаганини таъкидлади.

Об-ҳаво инжиқликлари

АҚШ шимоли-шарқда кузатилаётган ноқулай об-ҳаво аҳолини анча безовта қилди.

Массачусетс, Нью-Гемпшир, Нью-Йорк ва Мэн штатларининг баъзи ҳудудларида ёғаётган тинимсиз қор туфайли миллиондан ортиқ киши электр таъминотида узалиб қолган. Бу борада вази-ят, айниқса, Массачусетсда жиддий тур олган. Шу боис штат маъмурияти ҳукуматдан ёрдам сураб мурожаат қилганлар. Маълумотларга кўра, табиий офат Массачусетс иқтисодиётига 7 миллион АҚШ доллари миқдорида зарар келтирган.

Об-ҳавони кузатиш мутахассисларининг таъкидлашича, бундай нотабиий об-ҳаво ҳафта якунигача сақланиб туради.

Жамғарма ташкил этилади

Ҳиндистоннинг Мумбай шаҳрида «Тож Маҳал» меҳмонхонаси маъмурияти ноябрь ойида содир бўлган кўпуровчилик ҳаракати қўрбонлари ва жабрланувчиларининг оила аъзоларига ёрдам кўрсатувчи хайрия жамғармаси тузилишини маълум қилди.

Айтиб ўтиш жоизки, 26-29 ноябрь кунлари Мумбайда юз берган тартибсизликлар оқибатида 200 га яқин одам ҳалок бўлган, 300 киши тан жароҳати олганди. Тузилажак жамғарма орқали қўрбон бўлганларнинг оиласига 500 минг рупий (10400 АҚШ доллари) миқдорида товои пули тўланади.

Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.

Республика Кўчмас мулк биржаси — 15 ёшда!

«Республикаси Кўчмас мулк биржаси» ЁАЖ бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибида бўлиб ўтадиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

Аукцион савдосига Тошкент шаҳар Ҳамза тумани суд ижрочилиари бўлими томонидан Тошкент шаҳар ҳўжалик судининг 2008 йил 11 сентябрдаги 10-0811/8953-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Ҳамза тумани, 3. Шамсутдинова кўчаси, 23-«А» уйда жойлашган «Jisong Korea Industrial» ҚКга тегишли, жами ер майдони 10450 кв.м. бўлган 18 та бино ва 3 та иншоот кўйилмоқда.

Бошланғич баҳоси — 1 179 000 000 сўм. Аукцион савдоси 2009 йил 13 январь кунин соат 11.00 да бўлиб ўтади.

Кўчмас мулклар билан суд ижрочилиари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдосига бир кун қолганда тўхтатилади.

Мазкур савдода қатнашиш истагидаги талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузилган закат келишувга асосан мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда савдо ташкилотчиси — РКМБнинг АТИБ «Ипотекабанк»и Собир Раҳимов филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20210000500571452105, МФО 00901, ИНН 200933850.

Лицензия: DB 001 № 000004.

Манзил: Тошкент ш., С. Раҳимов т., М. Урозов к., 1-«А» уй. Тел. 228-79-52. www.rkmb.uz

САВДОЛАРГА МАРҲАМАТ!

АБДУЛЛА ҚОДИРИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ МАДАНИЯТ ИНСТИТУТИ

ҚУЙИДАГИ ИХТИСОСЛИКЛАР БЎЙИЧА АСПИРАНТУРАГА ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

«Ижтимоий-маданий фаолият назарияси, усулиёти ва уни ташкил қилиш»;

«Кутубхонашунослик ва библиографияшунослик».

Ҳужжатлар эълон чоп этилган кундан бошлаб бир ой давомида қабул қилинади.

Мурожаат учун манзил: 100164, Тошкент шаҳри, Ялангоч даҳаси, 127-«А» уй. Телефонлар: 262-03-23, 262-38-33.

Табиатдаги экологик мувозанатни сақлашда ўрмонларнинг беқийс ўрни бор. Чунки дов-дарактларнинг яшнаб туриши нафақат инсоният учун, балки бутун борлиқдаги мавжудотлар учун ҳам муҳим аҳамиятга эга. Жумладан, бизга инъом этилган бу бебаҳо неъмат ҳаётимиз учун керакли бўлган кислородни етказиб берувчи, атроф-муҳит мусаллаҳлиги, муътадиллигини таъминловчи муҳим омил ҳисобланади. Шу билан бирга, дунёдаги энг кўп қўшару жонзотларнинг макон тоған гўшаси ҳам айнан ўрмонлардир.

Бирок инсониятнинг тараққийта эришиш йўлидаги изланишлари ва табиатта шифосизларча муносабатда бўлиши натижасида ўрмонларга ҳам жиддий зиён етмоқда. Оқибатда афро-муҳит мувозанати бузилиб, катта талафотлар юзга келмоқда. Масалан, глобал иқлим ўзгаришини олайлик. Аксарият ўрмонзорларнинг қисқариб кетиши асосий сабабларидан бири ҳам айнан шундир. Таҳминларга қараганда, агар ер юзида ҳарорат 4 даражага кўтарилса, сайёрамиздаги даракт турларининг ярми йўқ бўлиб кетиш эҳтимоли бор экан. Бу, ўйлаганимизчалик, кўп йиллардан кейин юзга келадиган вазият эмас. Айнан шу асрда ушбу хатарнинг асоратлари кўзга ташланиши ҳам мумкин. Хусусан, башоратларга кўра, мабодо 2050 йилга бориб ҳарорат 2 даражага ортса, Амазонкадаги даракт турларининг тўртдан бири қисми нобуд бўлади. Эътибор беринг: БМТ томонидан иқлим ўзгаришига байишлаб 2007 йилда тайёrlанган хулосага қараганда, ўтган юз йилликда ер юзида ҳарорат 0,7 даражага оқсалган. Бирок, бу кўрсаткич XXI асрда янада юқорироқ бўлади. Яъни, табиий равишда аҳоли сони, ёнилғидан фойдаланиш ва за-

рарли газлар миқдорининг ортиши туфайли асримиз давомида ҳарорат ўртача 1,1 даражадан 6,4 даражагача кўтарилиши мумкинлиги тахмин қилинган.

Яшил ҳудудларнинг қисқариб кетишига иқлим ўзгариши асосий сабаб қилиб кўрсатилса-да, ёнғинлар, турли мақсадларда дарактларни кесиш ва шунга ўхшаган ҳолатлар ҳам бу бебаҳо неъматга путур етказмоқда. Ҳисоб-китобларга қараганда, дунё микросида ҳар дақиқада тахминан 14 гектар ўрмон йўқ бўлиб кетаркан. Бар-по этилаётган яшил ҳудудлар эса йил-лига ўртача 1,1 миллион гектарни ташкил этади. Бирок, шу икки кўрсаткич ўзаро таққослангудек бўлса, инсоният бу борада ижобий томонга эмас, балки кўпроқ салбий томонга қараб кетаётгани аён бўлади. Масалан, 1990-2000 йиллар оралигида йилга ўртача

Шарҳ

8,9 миллион гектар ўрмонзор йўқолган. Тўғри, 2000-2005 йилларга келиб бу рақам 1,6 миллион гектарга қалмайиб, бой берилган яшил ҳудуд 7,3 миллион гектарни ташкил қилди. БМТнинг Осиё-оқват ва қишлоқ ҳўжалиги масалалари бўйича ташкилоти (ФАО) эътирофича, бунга Хитойда

ўрмон фонди 5 миллион 467 минг гектари, шу жумладан, ўрмон билан қопланган майдон 1 миллион 819 минг гектарни ташкил этган бўлса, хозирги вақтда ўрмон фонди 8 миллион 775 минг гектардан ошқорққа, ўрмон билан қопланган ҳудуд эса 2,3 миллион гектарга етган. Яъни ижобий томонга силжиш кузатилади. Юқорида келтирилган факт ва рақамлар, мамлакатимиздаги мавжуд ҳолатни ўзаро тақ-



6,5 миллиарддан кўпроқ аҳоли томонидан амалга оширилса-чи? Уйлашимизча, бу оқддийгина эзгулик ҳам бебаҳо неъматимизни асраб қолишда яхши самара берган бўларди. Чунки «глобал» макомини олиб улгурган муаммо биргаллик курашилсагина ечимли топшиши мумкин.

ЯШИЛ БОЙЛИК

Уни авайлаб-асраш, келгуси авлодга етказиш ҳар биримизнинг бурчимиздир

қчат ўстириш ва чўллашишга қарши олиб борилган зарур чора-тадбирлар туфайли эришилган. Айтиб ўтиш жоизки, ер юзидаги ўрмонзорларнинг эллиқ фоизи бешта давлат — Бразилия, Канада, Хитой, Россия ҳамда АҚШ ҳиссасига тўри келади ва бу борада улардаги ҳар бир ўзгариш сезиларли таъсирга эга. Афсуски, 2000-2005 йилларда энг катта йўқотиш айнан Жанубий Америкада кузатилди. Шу даврда қитъанинг ушбу қисмида 4,3 миллион гектар ўрмонзор йўқ бўлиб кетди. Африкада эса бу кўрсаткич 4 миллион гектарни ташкил этди...

Яқинда Тошкентда мамлакатимиз ўрмон сектори муаммоларига бағишланган тадбир бўлиб ўтди. Унда иштирок этарканмиз, табиийки, бу борада юртимиздаги аҳвол билан қизиқдик. Маълумотларга эътибор қилинг: 1991 йили республикаимиз Давлат

қислай туриб, ҳаёлимиздан шундай фикр ўтди. Бизда баҳор ва куз мавсумларида ҳар ким ўз ҳошии билан, ҳеч бўлмаганда, биттадан кўчат экишга интилади. Агар шу аънара ер юзидаги

Қисқа маълумот:

- Ер юзидаги яшил ҳудудларнинг ярми тропик ўрмонлардан иборат.
- Борлиқдаги бутун жонзотларнинг тахминан учдан икки қисми ўрмонларда ҳаёт кечиради.
- Сайёрамиздаги 2 миллиарддан ортиқ киши дарактлардан уйларини иситиш ва бошқа мақсадларда фойдаланади.
- Ўрмон маҳсулотларидан дунё бўйича ҳар йили тахминан 270 миллиард АҚШ доллари миқдоридида маблаг топилади. Бир йилда ўртача 10 миллиард АҚШ доллари қийматидаги дарактлар руҳсатиси кесилади.
- Дунёда 8 мингдан кўпроқ даракт тури (мавжуд даракт турларининг юздан 10 фоизи) йўқолиб кетиш хавфи мавжуд.

Ш. ЗОКИРОВ тайёрлади.

Республика Кўчмас мулк биржаси — 15 ёшда!

«РЕСПУБЛИКА КЎЧМАС МУЛК БИРЖАСИ» ЁАЖнинг

худудий вилоят филиаллари бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

I. РКМБ Андижон вилояти филиали аукцион савдосига Андижон вилояти ҳўжалик судининг 2008 йил 7 октябрдаги 17-0808-4874-сонли хал қилув қарори билан банкрот деб топилган ҳамда кредиторларнинг 2008 йил 5 декабрдаги 3-сонли йиғилиш қарорига асосан, «Экспрессандтрейд» МЧЖ туғатиш бошқарувчиси томонидан Андижон тумани, «Ербоши» ҚФЙ, «Ербоши» маҳалласида жойлашган, умумий майдони 78,54 кв.м.дан иборат А.А-1-литерлардаги савдо дўкони ва темир бостирма кўйилмоқда.

Бошланғич баҳоси — 16 670 216 сўм. Аукцион савдоси 2009 йил 14 январь кунин соат 11.00 да бўлиб ўтади. Мулклар 14 январь кунин сотилмаган тақдирда, такрорий аукцион савдоси 2009 йил 21 ва 28 январь кунлари соат 11.00 да ўтказилади.

Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдоси ўтказилишидан бир соат олдин тўхтатилади. Мазкур савдода қатнашиш истагидаги талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закат келишувга асосан мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закат пулини савдо ташкилотчиси — РКМБ Андижон вилояти филиалининг «Асака»-банки Андижон вилояти филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 22622000200571452003, МФО 00069, ИНН 200933850.

Манзил: Андижон шаҳри, Навоий шоҳқўчаси, 30-уй. Телефонлар: (8-374) 224-48-53, 224-37-86.

II. РКМБ Самарқанд вилояти филиали аукцион савдосига Самарқанд шаҳар «Хўжум» ОАЖ туғатиш бошқарувчиси томонидан Самарқанд вилояти ҳўжалик судининг 14-07-3894/19-сонли қарорига асосан банкрот деб эътироф этилган «Хўжум» ОАЖ кредиторларининг 2008 йил 9 декабрдаги 4-сонли йиғилиш қарорига асосан жамият балансидаги асосий воситалар (жумладан, транспорт воситалари ҳам) ва қимматли қўғозлари бир бутун мажмуа сифатида арзонлаштирилган нарҳда аукцион шартлари ўзгартirilмаган ҳолда такроран кўйилмоқда.

Бошланғич баҳоси — 321 000 000 сўм. Аукцион савдоси 2008 йил 23 декабрь кунин соат 11.00 да бўлиб ўтади. Махмуа 23 декабрь кунин сотилмаган тақдирда, такрорий савдолар 2008 йил 30 декабрь кунин соат 11.00 да ўтказилади.

Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдоси ўтказилишидан бир соат олдин тўхтатилади. Корхона манзили: Самарқанд шаҳри, Хўжум кўчаси, 12-уй. Мазкур савдоларда қатнашиш истагидаги талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закат келишувга асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закат пулини савдо ташкилотчиси — РКМБ Самарқанд вилояти филиалининг ДАТ «Асака» банки Самарқанд вилояти филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20210000500571452071, МФО 00264, ИНН 200933850.

Манзил: Самарқанд шаҳри, Бўстонсарой кўчаси, 85-«А» уй. Телефонлар: (8-366) 233-80-56, 233-80-11 (ДМҚ вилоят худудий бошқармаси биносида).

РКМБ савдоларига ИШОНЧ доим мустаҳкам!

ООО «Росагропромснаб» предлагаєт:

СЧЕТЧИКИ ГАЗА

ультразвуковые «Гобой-1»

Цена - от 1 365 000 сум.

Ду, мм	Типоразмер	Мин. расход, Qмин, м³/час	Максим. расход, Qмакс, м³/час
25	G10	0,16	16(25)
40	G25	0,40	40(65)
65	G65	1,00	100(160)

На все поставляемые товары имеются сертификаты соответствия. Гарантийный срок на продукцию - 12 месяцев со дня установки. Т./ф.: 273-16-40, 276-90-57, 276-97-90. Адрес: г. Ташкент, Чиланзар, к-л Ц, д. 6 (ор-р - перекресток «Шухрат»). Товар сертифицирован.

SONATA Ўз йўлингни танла!

КАФОЛАТ — 2 ЙИЛ. МАХСУЛОТ СЕРТИФИКАТЛАНГАН.

HYUNDAI Official Partner

Tel. 250-11-11

ДИККАТ! «ЎЗБЕКЭНЕРГО» ДАК

ички аудит хизмати раҳбари лавозимига ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ.

Номзодларга талаблар:

- Аудиторнинг малака сертификатига эга бўлиши;
- Ўзбекистон Республикаси олий ўқув юртларида олинган олий маълумотга ёки хорижий давлатнинг таълим муассасасида олинган ва Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ, Ўзбекистон Республикасидаги маълумотга эквивалент деб эътироф этилган олий маълумотга эга бўлиши;
- бухгалтерлик ҳисоби, аудит, молия ёки солиқ назорати соҳасида охириги ўн йил ичунда камида икки йиллик амалий иш стажига эга бўлиши керак.

Мурожаат учун манзил: Тошкент ш., Хоразм к., 6-уй, мўлжал — Марказий офислар уйи рўпарасида. Телефонлар: (8-371) 236-69-37, 236-60-81, 236-69-42.

NEW HOLLAND AGRICULTURE

Янги трактор

New Holland TL 5060

Қуввати — 100 от кучига эга.

Кафолат — 1 йил. Барча вилоятларда сервис хизмати кўрсатилади ва эҳтиёт қисмлари мавжуд.

МАХСУЛОТ СЕРТИФИКАТЛАНГАН

Tel.: 120-60-97, 120-89-58.

ООО «CHIRCHIQ TEPLO SYSTEM»

ИСИТИШ СУВ ҚАЙНАТИШ

ҚОЗОНЛАРИ

Хавфсиз автоматика билан таъминланган

МОДУЛЛИ ИСИТИШ БЛОКЛАРИ

Табиий газ, суяқ ва каттик ёнилғи билан ишлайди

максилот сертифициланган

Чирчиқ шаҳри, Кангли кўчаси, 16-«А». Т/ф. 8 (370 71) 5-61-73, 5-40-62, т/ф. 5-59-87, 314-59-87. E-mail: chts.uz@mail.ru

«МЕҲРЛИ САВДО» шўба КОРХОНАСИ

2009 йилнинг 1 чорагида қуйидагиларни сотиб олиш бўйича тендер ўтказилишини эълон қилади:

САРИЁГ, 1-КАТЕГОРИЯЛИ МУЗЛАТИЛГАН МОЛ ГЎШТИ.

Тендер таклифларини топшириш ва тендер ҳужжатларини олиш учун ҳар кунин соат 9.00 дан 17.00 гача қуйидаги манзилга мурожаат қилиш мумкин:

100000, Тошкент шаҳри, Мирзо Улўғбек тумани, Ниязбек йўли 7-тор кўчаси, 27-уй. Телефонлар: 237-14-59, 237-45-15. Факс: 237-14-92.

Тендер таклифларини қабул қилишнинг сўнги мuddати — 2008 йил 26 декабрь кунин соат 17.00 гача.

МАДАНИЯТ хабарлари

Урганч шаҳридаги суратлар галереясида тасвирий ва амалий санъат асарлари кўргазмаси намойиш қилинмоқда.

200 дан ортқ дурдона асарлар қўйилган кўргазмадан таниқли мўйқалам усталари Чингиз Аҳмаров, Раҳим Аҳмедов, Рўзи Чориевнинг ижод намуналари ҳам ўрин олган.

Болажонларга совға

“Янгийўл матбаа сервис” маъсулияти чекланган жамияти жакки китобхонлар учун ажойиб совға ҳозирлади.

Табиат манзаралари, ҳайвонлар, гаройиб иморатлар, машина ва қўғирчоқлар расмлари билан безатилган, уларга ижод берувчи ихчам матлар, митти ҳикоялар, жаҳон халқлари эртақлари илова қилинган асарлар туркумини нашрдан чиқарди.

Янги китобларнинг дастлабки нусхалари Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчиларига тақдим этилди.

«Тошлар боғи»

Мазкур музей турли-туман тоғ жинслари, ибтидоий жамоа давридаги иш қуроллари ва тош даври ҳайвонот оламининг қолдиқлари акс этган экспонатлардан иборат бўлиб, сизга минг йиллик тарихдан ҳижоқ қилади.

Х. ЭШОНҚУЛОВ

«Халқ сўзи» мухбири.

ШИФОКОР — МЎЪЖИЗАКОР

Мамлакатимизда инсон саломатлигини муҳофаза қилиш, фуқароларга малакали тиббий хизмат кўрсатиш сифати йилдан-йилга яхшиланиб бормоқда.

Бу борада Соғлиқни сақлаш вазирлиги тасарруфидоги республика ихтисослашган илмий-амалий Эндокринология марказининг муносиб ўрни бор. Мазкур маскан тиббиёт соҳасидаги ислохотлар туфайли энг сўнгги замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган, малакали шифокорлар фаолият кўрсатадиган нуфузли даргоҳ саналади.

Марказдаги Калконсимон без касалликлари бўлимининг, айниқса, беморларга катта нафи тегаётгани кувонарлидир. Асосан, калконсимон без



Тиббиёт

ҳамда қандли диабет каби ёндош касалликларни бар-тароф этишда олий тоифали шифокорларнинг хизмати диққатга сазовор бўлиб келмоқда.

— Аҳоли саломатлиги жамиятга наф, — дейди

мазкур бўлим бошлиғи, тиббиёт фанлари номзоди, олий тоифали шифокор Нилуфар Убайдуллаева. — Бугун мамлакатимиз тиббиётда рўй бераётган ислохотлар, эришилаётган улкан ютуқлар, Прези-

дентимиз айтганларидек, инсон ва унинг манфаатларига хизмат қилмоқда. Илгари тиббий ускуналарнинг етишмаслигидан қийналардик, энди эса ривожланган мамлакатлардан келтирилаётган энг

сўнгги русумдаги тиббий жиҳозлар аниқ ташхис қўйишда ниҳоятда қўл келмоқда. Улар асосида мураккаб жарроҳликлар ҳам муваффақиятли бажарилмоқда.

Бизнинг бўлимимизда ҳам ҳар йили мингга яқин беморларга хизмат кўрсатилади. Улар соғлиқни сақлаш борасидаги ўзгаришлар ҳақида ўзларининг самимий фикрларини билдиришади. Мана шундай пайтларда шифокор эканлигимиздан, одамларга, озми-кўпми, нафимиз тегаётганидан хурсанд бўлиб кетамиз. Эеро, халқимиз: “Элга хизмат — олий ҳиммат” деб бежиз айтмаган...

Мақсуд ЖОНИХОНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

СУРАТДА: Нилуфар Убайдуллаева беморни кўздан кеңирмоқда.

Ҳасан ПАЙДОЕВ олган сурат.

Спорт • Sport • Спорт

Москва шаҳрида бокс бўйича навбатдаги жаҳон кубоги мусобақалари бўлиб ўтди. Унда дунёнинг 47 мамлакатидан келган 88 нафар боксчи иштирок этди.

ТҮРТ БОКСЧИМИЗ СОВРИНДОРЛАР САФИДА

Бу сафарги беллашувлар Халқаро ҳаваскор боксчилар ассоциацияси — АИБА томонидан жорий этилган янги тизимда ўтказилди. Яъни, боксчилар жамоавий эмас, шахсий голиблик учун беллашдилар. Мусобақада фақат охириги Олимпиада ўйинлари ва жаҳон чемпионатида яхши кўрсаткичларга эришган боксчиларгина рингга кўтарилдилар.

Жаҳон кубоги баҳсларига беш нафар боксчимиз жўнаб кетган эди. Уларнинг тўрт нафари Ватанимиздаги совриндор бўлиб қайтишди. Энди бевосита учрашувлар ҳақида. Чорак финалда Дилшод Маҳмудов (69 кг.) французлик Ноэл Ксавьени,

ушун Баҳодиржонга техник галаба ёзилди. Хуршид Тожибоев (54 кг.) россиялик Сергей Водопьянов қаршичилигини синдирилмади.

Ярим финалда Баҳодиржон Султонов россиялик Сергей Игнатьевга, Элшод Расулов арманстонлик Андроник Якубянга имкониятни бой бериб, учинчи ўрин билан кифояланишди. Дилшод Маҳмудов латвиялик Дмитрий Состаксини, Аббос Атоев эса тожикистонлик Жаҳон Курбоновни енгиб, финалга чиқди.

Аммо, финалда ҳар иккала боксчимизни ҳам жиддий рақиблар кўтиб турганди. Дастлаб рингга кўтарилган Дилшод



Аббос Атоев (81 кг.) хорватиялик Марио Сиволини, Элшод Расулов (75 кг.) эса хитойлик Ван Цзяньчenni мағлубиятга уратди. Баҳодиржон Султонов (57 кг.) украинлик Пекин Олимпиадаси голиби Василий Ломаченкога қарши рингга чиқиши керак эди. Лекин рақиб ўз вақтида мусобақага келмаганлиги

Маҳмудов кубалик Карлос Суаресга кичик ҳисобда ютқазиб, иккинчи ўринни эгаллади. Аббос Атоевга 2007 йилги жаҳон чемпионати финалида Узи мағлубиятга уратган россиялик Артур Бетербиев рақиб бўлди. Беллашувада омад россиялик боксчига қўлиб боқди. Аббос Атоев иккинчи ўринда.

МЕССИ ТОШКЕНТГА КЕЛАДИ

ЎФФ матбуот хизматининг маълум қилишича, Аргентина терма жамоаси ва Испаниянинг “Барселона” клуби аъзоси Лионель Месси Тошкентга келади. Ўзбекистон Футбол Федерацияси ва Тошкентнинг “Бунёдкор” клуби тақдирга биноан Ўзбекистонга ташриф буораётган навбатдаги юлдузининг сафар билан боғлиқ ҳужжатлари расмийлаштирилмоқда.



Месси Тошкентга мамлакатда футболни ривожлантириш бўйича қилинаётган ишлар билан яқиндан танишиш, ёш футболчилар билан мастер-класс ўтказиш мақсадида ташриф бу-юради. Мессининг ташрифи 22 декабрга мўлжалланган.

Айни пайтда ЎФФ ва “Бунёдкор” раҳбарияти унинг ташриф дастурини тузиш бўйича ҳамкорликда иш олиб бормоқда. Бундан олдин махсус лойиҳа доирасида Ўзбекистонга “Барселона”нинг уч нафар юлдузи — Самуэль Это’ О, Андрес Инеста ва Карлес Пуйоль, шунингдек, Лондоннинг “Арсенал” клуби сардори Франческ Фабрегаслар келиб кетишган эди.

З. ЖОНИБЕКОВ тайёрлади.

Спорт • Sport • Спорт

Сиҳатгоҳ боғча

Гулистон шаҳрида 126 нафар кичкинтойга мўлжалланган янги боғча мажмуаси ишга туширилди.

Ушбу мажмуасининг бошқа боғчалардан фарқи томони бу ерда болакайлар нафақат таълим-тарбия оладилар, балки уларнинг ҳаракат-таняч аъзоларидаги хасталиклар даволанади ҳам. Боғчада тажрибали шифокорлар, руҳшунос ва тарбиячилар меҳнат қилишади.

А. ХОНИМҚУЛОВ.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Ҳайъати ҳамда касаб уюшмаси Бирлашган кўмитаси ЎзР ФА академиги, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган фан арбоби, ихтисод фанлари доктори, профессор Мурод ШАРИФҲУҶАЕВнинг вафот этганини муносабати билан марҳумнинг яқинларига чўқур таъзия ва ҳамдардлик билдиради.

Тошкент молия институти ректорати ва бирлашган касаб уюшма кўмитаси академик Мурод ШАРИФҲУҶАЕВнинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чўқур ҳамдардлик билдиради.

“Матбуот тарқатувчи” акциядорлик компанияси меҳнат жамоаси Андижон вилояти “Матбуот тарқатувчи” МЧЖ директори Камолддин Насретдинович ҲАСАНОВнинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чўқур таъзия изҳор қилади.

Реклама саноати

Пойтахтимиздаги “Интерконтинентал” меҳмонхонасида “Реклама саноати” I Халқаро кўргазмаси бўлиб ўтди.

Кўргазма маҳаллий бозорга реклама, полиграфия ва дизайндаги янги йўналишлар, голлар, замонавий технологияларни олиб ки-

ришда катта аҳамият касб этади. Бундан ташқари, у реклама ишлаб чиқарувчилар ва реклама берувчилар ўртасидаги ўзаро мулоқотни ривож-

лантиришга хизмат қилади. Тадбирда реклама агентликлари, соҳа экспертлари, дизайнерлар, ташқи реклама билан шуғулланувчи компания ҳамда фирмалар, шунингдек, нашриётлар ўз хизмат ва маҳсулотларини намойиш қилдилар.

Ш. ЗАЙНИЕВА.

MDIS Тошкент шаҳридаги Сингапур менежментни ривожлантириш институти

2009 - 2010 ўқув йили учун абитуриентларни кўп босқичли ИНГЛИЗ ТИЛИ ва IELTS тизими бўйича академик инглиз тили ТАЙЁРЛОВ КУРСЛАРИГА таклиф қилади.

Кўшимча маълумот учун қуйидаги манзилга мурожаат қилинг: Тошкент шаҳридаги Сингапур менежментни ривожлантириш институти, 100027, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Бунёдкор шоҳқўчаси, 28-уй. Тел.: 276-90-94, 271-77-00.

Омадли келажакка биз билан эришинг!



Мамлакатимиздаги

UCellning Prepaid abonentlari uchun “Yakshanba bonusi” xizmati

Hafta davomida bemaol so'zlashing va yakshanba kuni UCelldagi do'stlaringiz bilan so'zlashish uchun qo'shimcha daqiqalarga ega bo'ling. Ko'proq so'zlashganingiz sari yakshanbada so'zlashish uchun bepul daqiqalar ham ortib boradi.

Xizmatga ulanish uchun “1” ni USSD so'rov orqali 1112 raqamiga yuboring (*1112*1#) va hafta davomida - dushanbadan shanbagacha bemaol so'zlashing, barcha so'zlashgan “pullik” daqiqalaringiz sizga yakshanbada so'zlashish uchun tarmoq ichidagi bepul daqiqalar sifatida taqdim etiladi.

Xizmat narxi haftasiga \$0.20.

Bonus daqiqalarining amal qilish muddati: yakshanba kuni soat 00:00 dan 23:59 gacha. Mazkur muddat tugagandan so'ng foydalanilmagan daqiqalar bekor qilinadi.



Yanada Ko'prog'ini Kuting

UCelldan Muloqot bayrami!

Atigi 20 sent!?

Халқ сўзи Народное слово

МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунийлик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1156. 25237 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2

ТЕЛЕФОНЛАР: Девонхона 233-52-55; Котибият 233-10-28; Эълонлар 236-09-25.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда операторлар Жамшед Топан ва Мухаммадали Бегмуратов томонидан сизифаланди.

Тижорат материали

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 22.30 Топширилди — 22.45

МАНЗИЛИМИЗ: 100000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй. Навбатчи котиб — А. Оринов. Навбатчи муҳаррир — А. Қўтибдинов. Навбатчи — Ф. Абдулов. Мусавҳах — Ш. Манраббоев.